

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

390 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 28 майдаги ПҚ–1761-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 28 майдаги ПҚ–1761-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 10 август,
243-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 10 августдаги 243-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 16 октябрдаги 400-сонли қарорига 1-иловада:

а) 1.8-банди 1.8.2 кичик банди ўн еттинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Таълим муассасаси ихтиёридаги соат»;

б) 2.5-банди 2.5.3 — 2.5.6 кичик бандлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2.5.3. Таянч ўқув режаларида умумий 4400 соатдан 80 соати таълим

муассасаси педагогик кенгаши қарорига асосан ўқув фанларини ўқитишга ажратилади.

2.5.4. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг умумий ҳафталик юкламалари 54 соатни, шундан 36 соати аудитория юкламаси ва 18 соати мустақил ишни ташкил этади.

Барча ўқув машғулоти учун академик ўқув соати давомийлиги 45 дақиқа этиб белгиланади.

2.5.5. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагогик кенгашларига ишчи ўқув режаларини тузишда намунавий ўқув режалари асосида умумий соатлар ҳажми доирасида айрим бўлимлар учун ажратилган соатлар миқдорига ўзгартириш ҳуқуқи берилади. «Умумтаълим фанлари» бўлимига ажратилган соатлар бундан мустасно.

Ўқув машғулотларини ўтказиш учун етарли хоналарга эга бўлган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида қуйидаги ҳолларда гуруҳларни иккита кичик гуруҳга бўлиб ўқитишга рухсат этилади:

таълим рус тилида олиб борилмайдиган гуруҳларда рус тили;

таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган гуруҳларда ўзбек тили;

хорижий тил;

информатика ва ахборот технологиялари фанининг амалий машғулоти;

жисмоний тарбия (ҳар бир гуруҳда камида 15 нафар йигит ва қиз бўлганда) машғулоти.

Бошқа фанлар бўйича гуруҳларни кичик гуруҳларга бўлиб ўқитиш тақиқланади.

2.5.6. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун таянч ўқув режаларининг тузилиши 1 — 4-жадвалларда келтирилган.

1-жадвал

Академик лицейлари учун таянч ўқув РЕЖАСИ

Т/р	Фанлар	Соатлар сони	Умумий юклагага нисбатан фоиз ҳисобида
I.	Умумтаълим фанлари	1940	44,1
II.	Чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлар	1680	38,2
III.	Қўшимча чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлар	460	10,5
IV.	Махсус фанлар	168	3,8
	Таълим муассасаси ихтиёридаги соат	80	1,8
	Давлат аттестацияси	72	1,6
	Ҳаммаси:	4400	100

Изоҳ: академик лицейлар таянч ўқув режасига ажратилган умумий соатлар миқдори доирасида (4400) чуқурлаштирилиб ва қўшимча чуқурлаш-

тирилиб ўқитиладиган фанлар бўлимларига ажратилган соатлар миқдорига 20% гача ўзгартириш киритиш мумкин.

2-жадвал

**Касб-ҳунар коллежлари учун таянч ўқув
РЕЖАСИ**

Т/р	Фанлар	Соатлар сони	Умумий юкламага нисбатан физ ҳисобида
I.	Умумтаълим фанлари	1940	44,1
II.	Касбий таълим фанлари	1000	22,7
III.	Ўқув амалиёти	660	15,0
IV.	Ишлаб чиқариш амалиёти	648	14,7
	Таълим муассасаси ихтиёридаги соат	80	1,9
	Давлат аттестацияси	72	1,6
	Ҳаммаси:	4400	100

Изоҳ: касб-ҳунар коллежлари таянч ўқув режасига ажратилган умумий соатлар миқдори доирасида (4400) тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда касбий таълим фанлари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти бўлимларига ажратилган соатлар миқдорига 20% гача ўзгартириш киритиш мумкин.

3-жадвал

**Академик лицейлар ўқув
РЕЖАСИ**

Ўқув жараёни графиги

Ҳафталик

Ўқиш муддати 3 йил

Курс	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17			18	19			
I																				Т	Т			
II																					Т	Т		
III																					Т	Т		

Жадвалнинг давоми

Курс	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	
I																						
II																						
III																					Д	Д

 Назарий ва амалий таълим Т Таътил Д Давлат аттестацияси

Ўқув жараёни РЕЖАСИ

Т/р	Ўқув фанлар	Жами соатлар	Соатларнинг курслар бўйича тақсимоти		
			1	2	3
1.	Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш	40		40	
2.	Она тили ва адабиёт	120	120		
3.	Хорижий тиллар	180	80	40	60
4.	Рус (ўзбек) тили	120	80	40	
5.	Тарих	160	80	60	20
6.	Математика	190	120	50	20
7.	Информатика ва ахборот технологиялари	130	80	50	
8.	Физика. Астрономия	190	140	50	
9.	Кимё	80	80		
10.	Биология	80	80		
11.	Амалий география	40	40		
12.	Чақирувга қадар бошлангич тайёргарлик	140		60	80
13.	Жисмоний тарбия	160	80	40	40
14.	Маънавият асослари	40	40		
15.	Фалсафий фанлар: — Шахс ва жамият — Диншунослик — Эстетика	80		20	30
16.	Оила психологияси	30			30
17.	Ҳуқуқшунослик	40	40		
18.	Ўзбекистон Конституцияси	40	40		
19.	Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар	40			40
20.	Иқтисодиёт асослари	40	40		
	Жами:	1940	1170	450	320
II.	Чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлар	1680	220	840	620
III.	Қўшимча чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлар	460	30	80	350
IV.	Махсус фанлар	168	20	70	78
	Давлат аттестацияси	72			72
	Ҳафталик юклама		36	36	36
	Таълим муассасаси ихтиёридаги соат	80	30	30	20
	ҲАММАСИ:	4400	1470	1470	1460

**Касб-хунар коллежлари ўқув
РЕЖАСИ**

Ўқув жараёни графиги

Хафталик

Ўқиш муддати 3 йил

Курс	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17			18	19	
I																			Т	Т		
II																			Т	Т		
III																			Т	Т		

Жадвалнинг давоми

Курс	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	
I																						
II												А	А	А	А	А	А	А	А	А	А	А
III												А	А	А	А	А	А	А	А	А	Д	Д



Назарий ва амалий таълим



Таътил



Ишлаб чиқариш амалиёти



Давлат аттестацияси

**Ўқув жараёни
РЕЖАСИ**

Т/р	Бўлимлар номи	Соатлар миқдори	Соатларнинг курслар бўйича тақсимоти		
			1	2	3
1.	Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш	40		40	
2.	Она тили ва адабиёт	120	120		
3.	Хорижий тиллар	180	80	40	60
4.	Рус (ўзбек) тили	120	80	40	
5.	Тарих	160	80	60	20
6.	Математика	190	120	50	20
7.	Информатика ва ахборот технологиялари	130	80	50	
8.	Физика. Астрономия	190	140	50	
9.	Кимё	80	80		
10.	Биология	80	80		
11.	Амалий география	40	40		
12.	Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик	140		60	80
13.	Жисмоний тарбия	160	80	40	40
14.	Маънавият асослари	40	40		

Т/р	Бўлимлар номи	Соатлар миқдори	Соатларнинг курслар бўйича тақсимооти		
			1	2	3
15.	Фалсафий фанлар: — Шахс ва жамият — Диншунослик — Эстетика	80	30	20	30
16.	Оила психологияси	30			30
17.	Хуқуқшунослик	40	40		
18.	Ўзбекистон Конституцияси	40	40		
19.	Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар	40			40
20.	Иқтисодиёт асослари	40	40		
	Жами:	1940	1170	450	320
II.	Касбий таълим фанлари (умумкасбий ва махсус фанлар)	1000	150	350	500
III.	Ўқув амалиёти	660	120	280	260
IV.	Ишлаб чиқариш амалиёти	648		360	288
	Давлат аттестацияси	72			72
	Жами:	4320	1440	1440	1440
	Ҳафталик юклама		36	36	36
	Таълим муассасаси ихтиёридаги соат	80	30	30	20
	Ҳаммаси:	4400	1470	1470	1460

».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон қарорининг 2-банди учинчи хатбоши ва қарорга 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларининг 8.4-банди:

а) қуйидаги мазмунда олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«компьютер техникасини ва ахборот-коммуникацион технологияларини, Интернет тармоғини»;

б) олтинчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишлича еттинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.